

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррир:**

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:**

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,  
2021.

---

<b>М.Умурзақова</b>	
Туркистанда ягона қишлоқ хўжалиги солигининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим .....	167
<b>Ҳ.Жўраев, Ҳ.Мадазимов</b>	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар .....	170
<b>М.Юсупова</b>	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи .....	172
<b>Ю.Каримова</b>	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор анъаналари.....	175
<b>М.Омонова</b>	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида анъанавий мотив ва тимсолларнинг ўрни.....	179
<b>Ҳ.Раҳматжонова</b>	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси .....	182
<b>Ш.Каримова</b>	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчisi.....	184
<b>С.Олимжонов</b>	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида).....	187
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши .....	191
<b>Н.Умарова</b>	
Навоий кўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони .....	194
<b>И.Хабибжонов</b>	
Форс-тоҷик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари.....	197
<b>А.Зинатуллина</b>	
Ўзбек ва француз тилларида мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари .....	200
<b>Н.Сабирова</b>	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари .....	203
<b>Д.Газиева, М.Қушматова</b>	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида.....	208
<b>И.Деҳқонов</b>	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий тахлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси .....	212
<b>Д.Махаметова</b>	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар .....	215
<b>Х.Марипова</b>	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши .....	219
<b>Г.Сайдалиева</b>	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни.....	222
<b>С.Юлдашев</b>	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари .....	226
<b>Ж.Оришев</b>	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари .....	228
<b>Ш.Арипов</b>	
Ўғил болаларни оиласвий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва ота- оналар ҳамкорлиги.....	232
<b>Н.Хошимова</b>	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар.....	236
<b>А.Мухиддинов</b>	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши .....	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>ИЛМГА БАХШИДА УМР</b> .....	243

---

## НАВОЙ ҚҮЛЛАГАН РҮМОЛ ТУШУНЧАЛИ СҮЗЛАР ЭТИМОНИ

## ЭТИМОН СЛОВ С КОНЦЕПТОМ ПЛАТОК, ИСПОЛЬЗОВАННЫХ НАВОИ

## ETYMON OF THE WORD WITH THE CONCEPT HEADSCARF, USED BY NAVOI

Умарова Наргизахон Рустамовна<sup>1</sup><sup>1</sup>Умарова Наргизахон Рустамовна

– ФарДУ тишиунослик кафедрасы доценти, филология фанлари номзоди.

## Аннотация

Мақолада кийим ва либос сүзларининг услубий фарқланиши, шоир асарларида қўлланган кийим номларининг таснифи, рўмол тушунчали сўзлар этимологияси ва семантикаси хусусида фикр юритилади.

## Аннотация

В статье рассматриваются стилистические различия между словами одежда и платье, классификация названий одежды, используемых в произведениях поэта, этимология и семантика слов с понятием платок.

## Annotation

*This article discusses the stylistic differences between the words clothes and dress, the classification of the names of clothes used in the works of the poet, the etymology and semantics of the words with the concept of headscarf.*

**Таянч сўз ва иборалар:** категория, кийим, либос, тасниф, лугат, этимон маъно.

**Ключевые слова и выражения:** категория, одежда, платье, классификация, лексика, этимология значение.

**Key words and expressions:** category, clothes, dress, classification, vocabulary, etymological meaning.

Либос арабча сўз (кўплиги албусот<sup>6</sup>) бўлиб, адабий тилнинг юқори услубига хосдир. Уст-бош, энгил маъносига либос сўзи кийим сўзига синоним бўла олади. Кийим сўзи умумхалқ тили лексикасида кенг тарқалган нейтрал сўз бўлиб, адабий ва сўзлашув тилида ҳам қўлланаверади. Либос сўзи эса кўпроқ ёзма бадиий нутқа хосдир. Либос туркий тилга оид энг қадими ёзма ёдгорликларда учрамайди. Бу сўз XII аср ёзма ёдгорлиги ҳисобланмиш “Ҳибатул-ҳақойик”да қўлланган: *Танааббур либасын кәйип аз салин* (Аҳмад Юғнакий).

XV асрга келиб кийим сўзи ўрнида услубий мақсадларда либос сўзи адабий асарларда кенг кўламда қўлланана бошлаган: *Турфа ойедур узоринг, кўк анга мөвий либос, Анжум онинг танга-танга босма қилгон зарҳали* (Навоий, FC).

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг адабий тил тараққиёти борасидаги буюк хизматларини эътироф этар экан: “Туркий тилнинг ўлган жасадига Масех нафаси била руҳ қиурди ва ул руҳ топқонларға туркий алфоз тору пудидин тўкулған ҳулла ва ҳарир қиурди”. Эътироф этилганидек, шоир Масех нафаси билан қайта руҳ топган туркий тилга туркча сўзлар ўриш-арқоғидан тўқилган гўзал

ҳарир кийимлар кийгазди. Навоийгача ҳеч ким “бокира маънолар” танасига бунчалик гўзал туркона либослар кийдира олмаган эди [1,122], дейди. Ҳусайн Бойқаро шоирона истиоралар билан ифода этган бу фикрларда ҳеч бир муболага йўқ. Туркий тилнинг ўриш-арқоғидан тўқилган гўзал ҳарир кийимларни мумтоз руҳнинг бокира маъноларига кийдириш биз таҳлил қилаётган либос номлари билан бевосита алоқадордир.

Либос сўзининг бу каби мажозий маънолари Қуръоннинг “Бақара” сурасида эр ва хотин бир-бири учун либос эканлиги баёнида ҳам кузатилади: “...Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз” (187-оят). “Набаъ” сурасида эса либос сўзи тунга нисбат берилиб ‘ором’, ‘хузур’ тушунчаларини ифодалайди: “Ва уйқуларингизни роҳат қилиб қўйдик(9-оят); Ва тунни либос қилдик (10-оят)”. Румий дейдикни, “Азиз ва Жалил бўлган Тангрининг ҳикмат, маърифат ва каромат кийимларини кийдирив қўйган қуллари бордир. Ҳалқнинг буларни кўра оладиган ўткир қўзлари йўқ бўлса ҳам, Оллоҳ Таоло уларни қизғанади. Улар ҳам ўзларини худди Мутанаббининг: “Хотинлар ипак кийимларни безанмоқ учун эмас, балки ўз гўзапликларини қўримоқ учун кийдилар”,

<sup>6</sup> Навоий асарлари лугати / Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент:Faafur Ғулом, 1973. – 336 б.

деганидек (хикмат, маърифат ва каромат кийимлари билан) ўрайдилар” [2, 12].

Лиҳоф ҳам арабча сўз бўлиб, шоир асарларида “кийим”, “ёпинчик” ва “кўрпа” деган маъноларни ифодалайди. Масалан, Сабуҳий вақти гул очилғонин найлайки, ул ётмиш, Ўзини ғунча яналиғ чирмабон **гулгун лиҳофда** (БВ) байтида гулгун лиҳоф бирикмаси “қизил кийим” маъносига қўлланган. Навоий асарларида лиҳоф сўзи деярли гулгун аниқланмиши билан қўлланади.

Қуръони Каримнинг айрим суралари, бинобарин, “Муззаммил” (“кийимларига ўралиб олган зот”), “Муддассир” (“либосларига бурканиб олган зот”) сураларининг номланиши бевосита кийим ва либос тушунчалари билан боғлиқ.

Либос тушунчаси нафақат бадиий услубда, балки илмий услубда ҳам мажозий маънода қўлланганлигини, хусусан, тафаккурга ҳам нисбат берилганлигини кузатиш мумкин: “Тафаккурни “яланғочлаб” бўлмайди. Бу муқаддас ҳодиса, доимо либосда бўлиши керак. Шу сабабли биз ментал тузилмалар маркибини ва ҳамто уларнинг мазмун-мунждарижасини ҳам тасаевур қилишда беихтиёр лисонга, унинг белгили воситаларига мурожаат қиласиз” [3, 44].

Воқеликни категория(концепт) сифатида идрок этиш, предмет-ходисалар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва тўпланган маълумот асосида кузатилаётган ҳодисаларни тавсифлаш ҳамда таснифлаш имконини беради. Навоий тилида қўлланган либос номларини муайян парадигмалар асосида таснифлаб ва тавсифлаб ўрганиш уларнинг семантик ва услубий имкониятларини ёритища алоҳида аҳамиятга эга.

Навоий асарларида қўлланган “либос” категориясига оид сўзлар турлича ўхшашлик муносабатларини намоён этади ва улар тананинг муайян қисмига тегишилигига кўра (бош кийим, устки кийим, оёқ кийими номлари, шунингдек, бу парадигма аъзолари таркибига кийим деталлари номини ҳам киритиш мумкин); тайёр кийим ёки унинг учун асос эканлигига кўра (кийим ва мато номлари); мавсумий хусусиятига кўра (ёзги ва қиши мавсумда кийиладиган кийим номлари); қайси ижтимоий табака ва тоифа кийими эканлигига кўра (дарвеш ва қаландарлар

кийими, шоҳона кийимлар ва қимматбаҳо матолар, ғарип ва қашшоқлар кийими, ҳарбийлар кийими, темирчилар кийими, ҳофизлар кийими, ғайридинлар кийими номлари); қайси тилнинг ифода бирлиги эканлигига кўра (туркий, форсча ва арабча кийим номлари) тасниф аъзоларини шакллантиради.

Шоир асарларида қўлланган бош кийим номлари ўз ичидаги яна иккита турга бўлинади: а) эркаклар бош кийими: алоқа, амома, бўрк, дастор, каллапўш, кулоҳ, сепеч, марк, наврўзий; б) аёллар бош кийими: бурунчак, гардйаздий, лачак, миқнаъ, нимтарк, сарандоз, шол, ялов, ёғлиғ ва б. Масалан:

*Сочида шабнам бурунчак, эй кўнгул, эрмас ажаб,*

*Сунбул узра гар тушар шабнам таажжуб қилмағил(НШ).*

*Қўйки мовий ёғлиғингни юздин олмай бир замон,*

*Не учунким, хуш кўринурзарварақ узра шамат(БВ).*

Навоий ўз асарларида **рўймол**, **ёғлиғ**, **бурунчак**, **гардйаздий**, **лачак** сингари рўмол тушунчали лексик бирликларни ҳам қўллаган. Шоир бу сўзларни аёллар кийимларининг муҳим қисми сифатида фаол қўллаган.

Рўймол сўзи эски ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўтиб ўзлашган бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг лаҳжаларида фаол қўлланади. Б.Бафоевнинг айтишича, Ўрхун-Ёнисей ёзма манбаларида, Маҳмуд Кошфарий луғатида, “Тафсир”да, “Қипчоқ тили луғати”да қайд этилмаган. Рўмол сўзи тарихан қўшма сўз бўлиб, у рўй-рў – юз, бет ва мол (молидан – суртмоқ, артмоқ маъноларини англатувчи) сўзларидан ясалган. Сўзнинг бу формадаги дастлабки маъноси ‘бетни артадиган, бетни суртадиган’, ‘бет артгич’ бўлиб, ‘бошни беркитадиган’, ‘бошга боғлайдиган’, ‘бош боғлагич’ маънолари кейинчалик пайдо бўлган [4, 129]. Дастрўмолда эса артиладиган аъзоларга қўл ҳам киради.

Қадимги даврларда туркий тилларда рўмол бурунчуқ деб юритилган. Маҳмуд Кошфарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асарида бурунчуқ икки маънода қўлланган: а) пешонабоғ (рўмол); б) бошга ўраладиган, ёпинадиган ёпинчик [5, 479].

Б.Ражабованинг қайд этишича, бу сўз (бурунчак – нозик ипдан тўқилган рўмол)

Навоий ижодида кўп учрамайди, шоир кўп ўринларда ёғлиғ сўзини қўллашга ҳаракат қилган. Бу сўз (бурунчак) Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида поэтик тимсол даражасига кўтарилиган ва рамзий маънода қўлланиб, ҳукмдорлар ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг бузилишига сабаб қилиб кўрсатилган [6, 45-49].

Алишер Навоий асарларида ҳам бу сўз бурунчук//бурунчак шаклларида учрайди. Рўмолнинг туркийси ёвлиқ//жовелик, эски ўзбек тилида туркийча варианти ёғлиқдир. Озарбайжон тилида рўмол баш йайлиғи деб юритилади. Ёғлиқ қозоқларда жаулық. қирғизлар шу типдаги бош кийимини кийма элзек дейишади. Кўпчилик туркий тил луғатларида ёвлиқ шаклида учрайди. Озарбайжон тилида ёйлик; кумик тилида явлук; тува тилида бош явлық (Тюркские языки, II, 210, 400); қирғиз тилида жоолук – платок (Кирг.-рус., 261); уйғур тилида йағлиқ (Уйғ.-рус., 775) [7, 29].

Б. Бафоев лачак сўзининг адабиётлар (Шоабдураҳмонов, Баскаков, Малов, Будагов)да туркий сўз эканлиги кўрсатилгани ҳолда, унинг этимони борасида маълумотлар йўқлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, бу сўз ясама (лач+ак) бўлиб, лач эроний тил материали ва -ак туркий от ясовчи кўшимча лачак формасини ҳосил қилган. Эроний тиллардаги лач сўз-

морфемаси инсон танаси аъзоси лунж ва лагом-лигомнинг арабийлашган шакли лижом сўзлари билан бир умумий асосга эгадир. Демак, лачак сўзи лач+ак морфологик таркибига эга бўлиб, “лунжни боғловчи” демақдир [4, 129].

Туркий тилларнинг қадимги даврида лачак сўзининг муқобил варианти – энгак сўзи бўлган. Маҳмуд Кошғарий “Девон”да лачакка ўхшаш кийим номи энгак сўзининг изохи (энгак – хотинлар бош ёпинчиклари боғлайдиган ип, боғич) [5, 108] функционал жиҳатдан унинг лачакка ўхшашлигини кўрсатади. Агар форсийдаги лачак сўзининг асоси лигомда ҳам, туркий тилдаги энгак(энгак)да ҳам `лунж` тушунчасининг ифодаланиши инобатга олинадиган бўлса, тарихан бу икки кийим номлари бир хил вазифага ихтисослашганлиги маълум бўлади. Лачак ва энгак сўзлариға функциядош локки (Кекса аёллар бошидан рўмол тушиб кетмасин учун унинг устидан буқлаб-буқлаб ўраладиган рўмол локки дейилади. Ҳозирги кунда Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда локки ўрнига пешонабоғ қўлланади [7, 30]) сўзи ҳам тилнинг тарихий босқичларида қўлланган. Булардан энгак бошқа вариантларга қараганда қадимириоқ бўлиб, бу сўз Навоий асарларида учрамайди.

#### Адабиётлар:

1. Қодиров П. Мумтозлик чўққисига элтувчи йўллар / Тил ва эл. –Т.: Маънавият, 2010.
2. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / У.Ҳамдам таржимаси. Ҳикмат, маърифат ва каромат.
3. Сафаров Ш. Конитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2016.
4. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. –Т.: ФАН, 1991.
5. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. 1- жилд.
6. Ражабова Б. Кошғарий ва Навоийда айрим сўзларнинг муштарак талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2018. – №6.
7. Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Т.: ФАН, 1981. .
8. Навоий асарлари луғати. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).